

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДИЕВА ГУЛАЙДА ОМИРБАЕВНА

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР КРЕДИТ ҚОБИЛИЯТИ
ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ
ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктори философии (PhD)
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctorof Philosophy(PhD) on
economical sciences**

Турдиева Гулайда Омирбаевна

Хўжалик юритувчи субъектлар кредит қобилияти таҳлилининг назарий ва
ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш 3

Турдиева Гулайда Омирбаевна

Совершенствование теоретических и организационно-методологических
аспектов анализа кредитоспособности хозяйствующих субъектов

Turdieva Gulayda Omirbaevna

Development of theoretical,organizational and methodological aspects of
creditworthiness analysis of economic subjects

Эълон қилинган ишлар рўйхати.

Список опубликованных работ

List of published works

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДИЕВА ГУЛАЙДА ОМИРБАЕВНА

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР КРЕДИТ ҚОБИЛИЯТИ
ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ
ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt298 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исманов Иброҳим Набиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Уразов Комил Бахромович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60-Ауй, Тел.(99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60-Ауй, Тел.(99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Н.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д.

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.н, доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида ривожланган мамлакатларнинг кредит муассасалари етарли салоҳиятга эга бўлиб, реал секторнинг молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиши, кичик бизнеснинг барқарор ўсиши ва ишлаб чиқаришни инновацион технологиялар асосида ривожлантириш учун ажратилаётган кредитлар ҳажми ўсиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши, саноатда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тўғридан – тўғри кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсишига олиб келмоқда. 2017 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) кредит қўйилмалар улуши: «Хитойда 155,8 %, Германияда 77,6 %, Францияда 101,6 %, Россия Федерациясида 52,6%, Туркияда 66,8 % ташкил этади»¹. Бу эса, ушбу кредит қўйилмаларининг ўз вақтида, тўлиқ ва фоизи билан қайтарилишини таъминлаш масалалари бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон амалиётида банк кредитларининг қайтарилишини таъминлаш, шунингдек банк томонидан мижознинг кредит қобилиятини баҳолаш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Илмий тадқиқотларда хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилиятини баҳолашда асосан молиявий коэффицентлар тизими кенг қўлланилган. Тадқиқотларда кредит қобилиятини туркумлашга асосланган моделлар ва комплексли таҳлилга асосланган моделлар шаклланган. Кредит қобилияти таҳлил қилиш ва баҳолаш қарз олувчи билан кредитор ўртасидаги ўзаро кредит муносабатларининг барча босқичларида муҳим ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб ҳозирги кунда қарз олувчини тавсифлайдиган миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларининг кредит лаёқати синфига, кредит таъминотининг сифати ва кредит рискининг даражасига таъсири нуқтаи назаридан, кредит қобилиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш борасида кенг тадқиқотлар олиб бориш талаб этилмоқда.

Мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорлик, банк тизимининг мустаҳкамланиши, фоиз ставкаларининг кўтарилиши, корхоналар инвестицион фаоллигининг кучайиши банклар фаолият соҳасини кенгайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кредитлаш ҳажмининг кўпайишига олиб келмоқда. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми «2018 йил 1 январ ҳолатига 110,6 трлн. сўмга етди ҳамда кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги улуши 44,4 фоизгача (2016 йилда – 26,4 фоиз) ошди»². Ушбу жами кредит қўйилмаларнинг йил якуни бўйича 88,4 фоизи давлат улушига эга тижорат банклари томонидан молиялаштирилган. Шу билан бирга, банклар фаолиятининг асосий даромад манбаи ҳисобланган кредитлаш жараёнида риск даражаси ҳам кўтарилмоқда. Айнан шунинг учун ҳам хўжалик

¹[www.worldbank.org](http://data.worldbank.org/indicator/FS.AST.PRVT.GD.ZS) http://data.worldbank.org/indicator/FS.AST.PRVT.GD.ZS

²www.cbu.uz. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот, Тошкент, 2018й. -Б. 22.

юритувчи субъектлар фаолиятини, бутун иқтисодий ётти барқарор суръатлар билан ривожлантиришда хўжалик юритувчи субъектлар кредит қобилиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» да «банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестициявий лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш вазифалари белгиланган»³. Тижорат банклари томонидан потенциал кредит олувчининг кредитга лаёқатлили даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи ўз скоринг моделини яратиш вазифалари белгиланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти 2016 йил 5 октябрдаги ПФ – 4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270–сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 23 мартдаги 3620 – сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, «Агробанк» АТБнинг 2017-2027 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий – ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ётти шакллантириш» устувор йўналишидоирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур муаммоларнинг кўп жиҳатлилиги унинг ўрганилганлик даражасини баҳолаш нафақат мазкур мавзуга бағишланган, балки кредит муаммосининг назарий жиҳатлари билан боғлиқ меъёрий, ўқув ва илмий- услубий ишларни ҳам эътиборга олишни талаб этади. Кредитлаш масалаларининг турли жиҳатлари хорижлик олимлардан Л.А. Бернстайн, Т.Б. Бердников, И.В.Вишняков,Э.Дж.Долан, В.А.Москвин, А.Д.Шеремет, Г.М.Колпакова, Т.М.Костерина, А.С.Нешистой, А.Т.Пожидаева, А.Н.Савиных ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ қилинган⁴.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг«Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль.

⁴Бернстайн Л.А.Анализ финансовой отчетности: Теория, практика и интерпретация / Л.А.Бернстайн.М.: Финансы и статистика, 1996.-С.245; Бердников Т.Б. Анализ и диагностика финансового-хозяйственной деятельности предприятия./Учебное пособие.-М:ИНФРА-М, 2013. –С.215 Вишняков И.В. Методы и модели оценки кредитоспособности заемщиков. СПб. : СПбГИЭА, 1998 г.-С.51; Долан Э.Дж. Деньги банковское дело и денежно-кредитная политика Э.Дж Долан, Д.Колин, К.Кэмпбелл, Р.Кэмпбелл, СПб: Санкт- Петербургский оркестр, 1994. –С.448; Москвин В.А. Кредитование инвестиционных проектов: Рекомендации для предприятий и коммерческих банков / В.А.Москвин. М.: Финансы и статистика, 2001.-С.91; Шеремет А.Д.Методика финансового анализа /

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг иқтисодий таҳлили, хусусан кредит қобилиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш масалалари И.Т.Абдукаримов, Ш.З.Абдуллаева, А.В.Вахобов, Т.С.Маликов, М.Қ.Пардаев, М.Ю.Рахимов, А.Ж.Туйчиев, К.Ф.Тошматов, О.Ю.Рашидов ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган⁵. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини таҳлил қилишга услубий ёндашувлар иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилишига қарамасдан, кредит қобилиятини комплекс таҳлил қилишнинг назарий ва амалий аҳамиятга эга кўплаб йўналишлари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Жумладан, таҳлил объектларининг таркиби ва тузилмаси етарлича асослаб берилмаган, кредит қобилиятини таҳлил қилишда фойдаланиладиган маълумотлар, ушбу маълумотлар асосида кўрсаткичлар тизими ва уни ўтказишга ташкилий-услубий ёндашувлар тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Иқтисодий таҳлилдаги мавжуд услублар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолашда самарали қўлланилмаяпти. Кредит қобилиятини таҳлил қилишнинг бугунги кунда маълум бўлган чет эл услубларини тўғридан – тўғри қўллаш эса Ўзбекистондаги бозор иқтисодиёти моделига етарлича мос келмаслиги ва таҳлилнинг ахборот таъминотидаги жиддий фарқлари сабабли қийинчиликларга олиб келмоқда. Ривожланган хориж мамлакатларида қарор топган моделларни мамлакатимиз ривожланишининг ҳар хил босқичлари, бухгалтерия ҳисоби методологияси ва ҳисобот тузишга ёндашувлар каби ўзига хос шарт-шароитларига мослаштириш зарур. Шунингдек, ҳозирги вақтгача иқтисодий адабиётларда ва меъёрий ҳужжатларда «кредит», «қарз» «кредит қобилияти», «тўлов қобилияти» ва «ликвидлик» тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни зиддиятли ҳамда ҳар хил талқин қилинмоқда.

Шу муносабат билан кредит қобилиятини таҳлил қилишнинг назарий-методологик ва ташкилий-услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, унинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти комплекс иқтисодий таҳлилида тутган ўрнини асослашга қаратилган тадқиқотлар ўтказиш зарурати вужудга келмоқда. Бундай зарурат назариядаги каби, банклар ва иқтисодиётнинг реал секторидаги хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, фермер хўжаликларининг амалий фаолиятидаги муаммолар билан ҳам боғлиқ.

А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин, Е.В.Негашев. М: ИНФРА-М, 2001.-С.35; Колпакова Г.М.Финансы, денежное обращение и кредит / Учебное пособие. М: Юрайт, 2014 г, -С.538 с; Т.М.Костерина Кредитная политика и кредитные риски. –М МПФА, -С.104. А.С.Нешитой. Финансы и кредит, Учебник. –М: Дашков и К, 2011, -С 122. А.Т. Пожидаева. Анализ финансовой отчетности./ Учебное пособие. -М: КНОРУС, 2015г,-С.320;А.Н.Савиных. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия./Учебное пособие. -М:КНОРУС 2015г., -С.300.

⁵Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998. – Б. 96.; Ш.З.Абдуллаева. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш, и.ф.д. диссертация -Т.: ЎзБМА, 2000. –Б. 334.;А.Вахобов, А.Ўлмасов. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, «Шарк», 2006. – Б. 446.; Т.С.Маликов.Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси.Ўқув қўлланма. -Т.: «ИQTISOD-MOL1YA», 2009, - Б.288.; М.Қ.Пардаев, Б.И.Исроилов. Молиявий таҳлил.-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999. –Б.356.; М.Ю.Рахимов. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. –Т.: «ИQTISOD-MOL1YA», 2013, -Б.392.; К.Ф.Тошматов.Фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш орқали кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, и.ф.н. диссертация автореферати -Т.: БМА 2010. –Б.18.;А.Ж.Туйчиев. Мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий – методологик муаммолари. Монография, - Т: «ИQTISOD-MOL1YA», 2010 й, - Б.153;О.Ю.Рашидов ва бошқалар Пул, кредит ва банклар. Дарслик, -Т: «Чўлпон» нашриёт уйи, 2011й,-Б. 328.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, аудит, иқтисодий таҳлил ва молия – кредит механизмини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар кредит қобилиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг комплекс методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалар. Диссертация тадқиқоти мақсадидан келиб чиқиб, қўйидаги вазифалар белгиланди:

«кредит», «қарз», «кредит қобилияти», «тўлов қобилияти» ва «ликвидлик» тушунчаларини таърифлашга ёндашувларни баҳолаш;

кредит қобилиятини таҳлил қилишга ташкилий ёндашувларни ўрганиш ва унинг босқичларини шакллантириш ҳамда тавсифлаш;

кредитлар ва қарзлар ҳисоби, кредит қобилияти таҳлиliga доир халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистондаги меъёрий-ҳуқуқий базани тизимлаштириш ва қиёсий ўрганиш;

кредит қобилияти таҳлили босқичларида кредит мониторинг жараёнининг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсия ишлаб чиқиш;

кредит қобилиятини таҳлил қилиш учун зарур бўладиган асосий ахборот манбаларини шакллантириш, ахборот сифатини баҳолаш ва улардан фойдаланиш йўналишларини ишлаб чиқиш;

қарз олувчига тегишли ишончлилиқ даражаси (синф) берган ҳолда кредит қобилиятини комплекс баҳолаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси аграр секторида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг кредит муносабатлари билан боғлиқ жиҳатлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети аграр сектор хўжалик юритувчи субъектларини кредитлаш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, индукция ва дедукция, гуруҳлаш, таққослаш, монографик кузатиш, иқтисодий-статистик таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

кредит ва уларнинг фоизини ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш учун ҳисоб сиёсатида узоқ муддатли кредиторлик қарзларнинг жорий муддатли кредиторлик қарзларга ўтказилган қисми тўғрисида маълумотлар, кредит бўйича асосий ва фоиз харажатлар суммасини аниқ кўрсатиш таклиф этилган;

кредитларнинг самарали фойдаланилиши ва уларнинг ўз вақтида фоизи билан қайтарилишини таъминлаш, банк риск даражасини ўз вақтида аниқлашда кредит мониторингини тизимли ташкил этиш таклиф этилган;

кредит қобилиятини таҳлил қилиш учун зарур бўладиган молиявий ва номолиявий маълумотларига мувофиқ миқдор ва сифат кўрсаткичлари тизими ва уларни кредит қобилиятини таҳлил қилиш босқичларида қўллаш таклиф этилган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилиятини баҳолаш, шунингдек банк кредит сиёсатида кредитлаш жараёнида мижознинг кредит қобилиятини аниқлашга мўлжалланган кредит қобилиятини баҳолаш услуги такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«кредит», «қарз», «кредит қобилияти», «тўлов қобилияти» ва «ликвидлик» каби кредит муносабатларига оид тушунчалар таърифларининг умумий ва фарқли жиҳатлари очиб берилди, «кредит қобилияти» тушунчасига муаллифлик таърифи берилди;

кредит қобилиятини таҳлил қилишга ташкилий ёндашувлар тадқиқ қилиниб, унинг комплекс иқтисодий таҳлил тизимидаги ўрни аниқланди ва кредит қобилияти таҳлилининг босқичлари ишлаб чиқилди;

кредит қобилиятини баҳолашда қўшимча номолиявий ахборотлар манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари тавсия этилди;

қарз олувчига тегишли ишончлилиқ даражаси (синф) берган ҳолда кредит қобилиятини комплекс баҳолаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги улар таниқли иқтисодчи олимларнинг кредит қобилияти ва унинг таҳлили хусусидаги илмий-назарий қарашларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертациянинг илмий хулоса ва амалий таклифларидан хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг илмий-назарий таъминотини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда кенг қўламда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилияти таҳлиlinи янада оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар:

кредит қобилияти таҳлилида кредит ва уларнинг фоизини ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш учун ҳисоб сиёсатида узоқ муддатли кредиторлик қарзларнинг жорий муддатли кредиторлик қарзларга ўтказилган қисми тўғрисида маълумотларни, кредит бўйича асосий ва фоиз харажатлар суммасини аниқ кўрсатиш бўйича таклифи «Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши томонидан амалиётга жорий этилган («Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши»нинг 2018 йил 26 декабрдаги 01/02-886-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида, жами олинган кредитларнинг ўз вақтида ва фоизи билан қайтарилишига, шунингдек ҳисоб маълумотларидан ички ва ташқи фойдаланувчилар учун аниқ ва ишончли хулосалар қабул қилишга самарали хизмат қилган.

кредитларнинг самарали фойдаланилиши ва уларнинг ўз вақтида фоизи билан қайтарилишини таъминлаш, банк риск даражасини ўз вақтида аниқлашда кредит мониторингини тизимли ташкил этиш бўйича таклифи «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали томонидан амалиётга жорий қилинган («Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиалининг 2018 йил 23 ноябрдаги 2936 - сон маълумотномаси). Натижада, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олинган кредит маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тизимли равишда назорат қилиш ҳамда кредитнинг қайтарувчанлик даражасини ошириш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқиш, муддати келган кредиторлик қарзларни ўз вақтида аниқлаш, муаммоли кредитларнинг олдини олиш, шу билан бирга банк риск даражасини ўз вақтида аниқлаш имконини берган;

кредит қобилиятини таҳлил қилиш учун зарур бўладиган молиявий ва номолиявий маълумотларга мувофиқ миқдор ва сифат кўрсаткичлари тизими уларни кредит қобилиятини таҳлил қилиш босқичларида қўллаш бўйича таклифи «Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши томонидан амалиётга жорий қилинган. («Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши»нинг 2018 йил 26 декабрдаги 01/02-886 –сонли маълумотномаси). Натижада кредит оловчи фермер хўжаликлари тўғрисида тўпланган ҳар қандай маълумотларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини шакллантириш, фермер хўжаликларини зарур ахборотлар, маълумотлар билан таъминлаш, шунингдек комплекс хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилиятини баҳолаш, шунингдек банк кредит сиёсатида кредитлаш жараёнида миқдорнинг кредит қобилиятини аниқлашга мўлжалланган кредит қобилиятини баҳолаш услуги бўйича таклифи «Агробанк» акциядорлик тижорат банк томонидан амалиётга жорий қилинган («Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 23 ноябрдаги 12-12/180-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилиятини баҳолаш ва кредит қобилиятини скоринг таҳлил қилиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 22 та, жумладан 15 та республика ва 7 та халқаро илмий- амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш ва нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кредитнинг моҳияти, иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни ва кредит қобилияти таҳлилининг замонавий концепциялари»** деб номланган биринчи бобида кредитнинг иқтисодий моҳияти, унинг иқтисодий тизимдаги ўрни, туркумланиши ва кредит қобилияти таҳлилининг назарий – услубий асослари, кредит қобилияти таҳлилининг замонавий концепциялари қиёсий ўрганилган ва боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш ва инвестицияларнинг ўсиш суръатлари кўпроқ банк кредитларига боғлиқ бўлиб бормоқда. Агар, тижорат банкларининг кредит қўйилмалари 2007 йил ҳолатига 4757,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йил ҳолатига 20392 млрд.сўм ва 2017 йилга келиб 110572 млрд. сўмга етган. Ушбу маблағлар 2007 йилга нисбатан 23 баробаридан ошган. Шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг 88,4 фоизи ички манбалар ҳиссасига тўғри келади. Иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шароитида кредит муносабатларининг мазмуни, аҳамияти ва хусусиятлари тубдан ўзгармоқда. Даставвал, илмий ва ўқув – услубий адабиётлар шарҳи ва меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилига таянган ҳолда, кредитга «кредит – бу кредитор томонидан қарз олувчига шартномага мувофиқ ҳақ(фоиз) тўлаш эвазига ишлатиш ҳамда ўз вақтида қўшимча иқтисодий самара олиш мақсадида ресурсларнинг (капиталнинг доиравий айланиши жараёнида озод бўлган ресурсларнинг) қайтариш шартлари асосида тақдим этилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тушунилади» дея таъриф берилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда хусусий капиталнинг мавжудлиги уларнинг фойда олишини тўлиқ кафолатлай олмайди. Ҳатто шундай бўлганда ҳам, корхонанинг хусусий капитали ишлаб чиқаришни инвестициялаш ва ривожлантириш, айланма активларни тўлдириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Албатта, корхонанинг ўз молиявий ресурслари барқарор фаолият кўрсатиши учун асос ҳисобланади. Аммо, шу билан бирга улар кам ҳаракатланадиган ресурслар бўлиб, уларга асосий воситалар ва номоддий активларни қайта тиклаш учун узоқ муддатли молиялаштириш ёки айланма активларни тўлдириш манбаи сифатида қараш хатарлидир.

Натижада, молиялаштиришнинг муқобил манбаи сифатида қарз капиталидан фойдаланишга тўғри келади. Қорақалпоғистон Республикаси тижорат банклари томонидан 2017 йилда январ-декабр ойларида берилган кредитлар ҳажми 1668453 млн. сўмни ташкил этган бўлса, шундан 273860 млн. қишлоқ хўжалигига ажратилган ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига тақдим этилган кредитлар ҳажми жами республика бўйича берилган кредитларнинг 16,4 фоизини ташкил этади (1-расмга қаранг).




1-расм. Қорақалпоғистон Республикаси тижорат банклари томонидан 2017 йил давомида тақдим этилган кредитлар ⁶ млн. сўм

Кредит эса корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан ҳам, таъминот сифатида қўйилган гаровни банк томонидан сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан ҳам, кафолат маблағлари ёки кафилнинг маблағлари, суғурта қопламалари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Корхонанинг қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, кредит бўйича мажбуриятларни шартнома шартларига мувофиқ қайтариш қобилияти ва келгусида ҳам қайтара олишига ишонч ҳосил қилиши унинг кредит қобилиятини билдиради.

Дарҳақиқат, «кредит қобилияти» қарз олувчининг ҳақиқатан юзага келган ҳуқуқий ва молия-хўжалик аҳволини билдиради. Албатта, кредит қобилиятининг муҳим жиҳатларига моддий таъминотнинг мавжудлиги ҳам

⁶Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

киради. «Кредит қобилияти» тушунчасини таърифлашга ёндашувларнинг эволюцияси таҳлил қилиб, бу тушунчага кредитор (банк) ва хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳитнинг, шунингдек бошқа омилларнинг таъсирини ҳам инобатга олиб, уни кенгроқ таърифлашга ҳаракат қиламиз.



2 – расм. Комплекс иқтисодий таҳлилнинг умумий алгоритми ва унда кредит қобилияти таҳлилининг ўрни

Кредит қобилияти - корхонанинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичларида ифодаланган ҳуқуқий, молиявий ва номоддий тавсифларининг мажмуйи бўлиб, кредитор олдидаги мажбуриятларини келажакда кредит шартномасида кўзда тутилган муддатларда ва тўлиқ қоплаш имкониятларини баҳолаш, шунингдек, банкнинг маълум бир хўжалик юритувчи субъектни кредитлашдаги риск даражасини аниқлаш имконини берадиган мезон.

Таъкидлаш жоизки, бундай шароитда илмий-услубий асосланган молиявий таҳлил натижалари асосидагина хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига кредит ресурсларини жалб этишнинг барча жиҳатлари ва натижаларини, шунингдек, бунинг таъсирида улар молиявий аҳволининг ўзгаришини баҳолашимиз мумкин.

Комплекс иқтисодий таҳлил тизимидаги алоҳида босқичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва унда хўжалик юритувчи субъектнинг кредит қобилиятини таҳлил қилишнинг қуйи тизим сифатидаги ўрнини мантиқий жиҳатдан тасвирлаймиз(2 расмга қаранг).

Диссертациянинг **«Кредит қобилияти таҳлилининг босқичлари, меъёрий –ҳуқуқий ва ташкилий-услубий таъминоти»** деб номланган иккинчи бобида, кредит қобилияти таҳлилининг босқичлари, ташкилий – услубий жиҳатлари, кредит қобилияти таҳлилида бухгалтерия ҳисоби принциплари ва талабларининг қўлланиши, кредит ва қарзлар билан боғлиқ хўжалик операциялари ҳисобини тартибга солишчи меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари, МҲҲС (IAS, IFRS) ва БҲМСларнинг кредит қобилияти таҳлилига оид қоидаларини таққослаш асосида таҳлилнинг услубий таъминотини ривожлантириш масалалари акс эттирилган бўлиб, боб сўнгида илмий асосланган хулосалар келтирилган.

Банкнинг кредит сиёсатини амалга ошириш мураккаб тизим бўлиб, қарздорнинг кредит қобилияти таҳлили асосий ўринни эгаллайди, сабаби бу банкнинг кредит rischi даражасини белгилаб бериши мумкин. Кредит қобилияти таҳлил қилишда дастлабки, тезкор ва ретроспектив босқичларига асосланиб юритиш таклиф этилди (3 расмга қаранг).

Кредит қобилиятининг дастлабки таҳлилида кредит инспектори кредит шартномасига (кредит мақсади, уни тўлашнинг режалаштирилаётган манбалари, сўралаётган кредит суммасини ҳисоблаш услуги) ва корхона раҳбариятининг психологик қиёфасини тузиш, аҳволини кўриш ва баҳолаш учун корхона раҳбари билан шахсан суҳбатлашиши лозим.Кредит қобилиятининг тезкор мониторинги босқичида корхона тўғрисида молиявий маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш, кредит таъминоти ҳолатини баҳолаш амалга оширилади.

Кредит қобилиятини ретроспектив таҳлил қилиш корхонанинг кредитга оид ҳужжатлар жилдидаги ва кредит шартномасининг амал қилиш вақтида тўпланган барча маълумотларга асосланади ва ушбу маълумотларига асосан корхонанинг кредит тарихини шакллантириш мумкин.


Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит ва қарзлар бўйича ҳисоб китоб операцияларини тартибга солишда асосий меъёрий ҳужжат ЎзР Молия

вазирлигининг 2009 йил 5 августдаги 79-сонли буйруғи билан тасдиқланган (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 18.08.2009 й. 1996-сон билан рўйхатга олинган) 24-сонли «Қарзлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш» номли БҲМС ҳисобланади.



3-расм. Кредит қобилияти таҳлилининг муҳим босқичлари⁷

24-сон-«Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби» номли БҲМС га мувофиқ кредитлар ва қарзлар бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатларни қўйидагича тақдим этамиз(4– расмга қаранг).



4 -расм. Кредитлар ва қарзларни олиш билан боғлиқ харажатлар⁸

Ушбу расмдан кўриниб турганидек, 24-сонли БҲМСда корхонанинг ҳисоб сиёсатига киритиладиган маълумотлар ва молиявий ҳисоботи акс эттириладиган маълумотлар рўйхати белгиланмаган, корхонанинг кредит олиш муносабати билан амалга оширадиган қўшимча харажатлари тўлиқ кўрсатилмаган ва чет эл валютаси жалб қилинганда валюта курслари бўйича

⁷Муаллиф томонидан тузилган

⁸24-сонли-«Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби» БҲМС асосида тузилган

фарқларни ҳисобга олиш, уларни қайси харажат турига киритиш бўйича аниқ кўрсатмалар келтирилмаган.

Ушбу келтирилган ноаниқликларни инобатга олган ҳолда қўйидагиларни тавсия этамиз:

Биринчидан, қўшимча харажатларни харажатлар таркибига киритиш учун иккита усулни тавсия этамиз:

1)Биринчи усулга мувофиқ қўшимча харажатлар ҳисобот даврида амалга оширилган операцион харажатлар таркибига киритилади.

2)Иккинчи усулда қўшимча харажатлар, дастлаб дебитор қарздорлик сифатида акс эттирилиб, кейинчалик улар кредитларни тўлаш муддати мобайнида операцион харажатлар таркибига ўтказиб борилиши мумкин.

Иккинчидан, корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги маълумотлар таркибига қўйидаги маълумотларни киритишни таклиф қиламиз:

- узоқ муддатли қарздорликнинг қисқа муддатли қарздорликка ўтказилиши тўғрисида;

- кредитлар бўйича қўшимча харажатларнинг таркиби ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида;

- қарз мажбуриятлари бўйича олинadиган даромадларни ҳисоблаш ва тақсимлаш усуллари танлаш тўғрисида;

- қарз маблағларининг вақтинчалик сармоя қилинишидан олинadиган даромадларни ҳисобга олиш тартиби.

Учинчидан чет эл валютасида қарз олишлардан юзага келадиган курс фарқлари яъни салбий курс харажатларини қарзлар бўйича харажатлар таркибига киритиш таклиф этилди.

Ҳозирги вақтда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бир қанча турли кредитлар олиниши мумкин. Ушбу жараёнларда банк ходими учун кредитнинг жорий мониторингини амалга оширишда кредит олувчи томонидан тақдим этилган хўжжатларга нисбатан текширув ишлари олиб борилади. Ушбу мониторинг жараёнида кредит олувчининг кредит қайтариш имкониятларини аниқлаш мақсадида ҳисоботга қўшимча маълумот турини таклиф этамиз(1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Кредит мониторингни тизимли ташкил этишда корхона молиявий маълумотларига қўшимча маълумотлар тўплаш

№	Кредит турлари	Кредит берувчи ташкилот	Кредит шартномаси да кўрсатилган муддати		Кредит суммаси (млн. сўм.)	Кредит фоизи	Гаровга қўйилган мулклар суммаси (мулк турлари бўйича)	Ҳар ойда белгиланган фоиз ва асосий кредит харажатлари суммаси		Асо-сий фао-лият дан даро-мад лар сум-маси
			Берилган вақти	Тугатиш вақти				Кредит суммаси	Фоиз суммаси	
1.	Узоқ муддатли	«Асака банк»	25.05. 2015	25.05. 2020	1млрд. 440 млн.	9%	1млрд. 800 млн. сўм.	4 млн.	50 млн.	2017 йил: 66338,6

Таклифнинг амалга оширилиши натижасида олинган кредитларнинг самарали фойдаланишига, уларнинг уз вақтида фоизи билан қайтарилишини таъминлашга, шу билан бир қаторда банк риск даражасини ҳам ўз вақтида аниқлашга амалий ёрдам ҳисобланади.

Диссертациянинг «Кредит қобиляти таҳлилида ахборотлар сифатини баҳолаш ва улардан фойдаланиш йўналишлари» номли учинчи бобда кредит қобиляти таҳлилида фойдаланиладиган ахборотларнинг сифатини баҳолаш ва улардан фойдаланиш йўналишлари, кредит қобиляти таҳлилида фойдаланиладиган ахборотларнинг ишончлилиги, тўлиқлиги ва муҳимлигини баҳолаш услублари, кредит қобилятини баҳолашда фойдаланиладиган қўшимча маълумот манбалари ёритилган.

Ушбу бобнинг аҳамиятли томони шундаки, илмий тадқиқотлар жараёнида гувоҳи бўлганимиздек, кўпчилик банклар томонидан кредит қобилятини таҳлил қилишда молиявий коэффицентлардан фойдаланилади. Аммо бу қарздорнинг кредит қобилятини таҳлил қилишда фақат миқдор томонидан ёндашув ҳисобланади. Олинган кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш учун таҳлил жараёнида ишлатиладиган ахборотлар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим: тўлиқлик, ишончлилик, тушунарлилик ва тезкорлик. Олинган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида, унинг сифатини баҳолаш зарурлиги вужудга келади ва биз фойдаланилган ахборот манбаларининг сифатини баҳолаш бўйича қуйидаги услубий тавсияларни берамиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

**Кредит қобилятини таҳлил қилишда қўлланиладиган
маълумотлар сифатини баҳолаш⁹**

Маълумотлар манбалари	Маълумотлар сифати кўрсаткичлари			
	тўлиқ- лик	ишонч- лилик	тушунар- лилик	тезкор- лик
Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар	+/-	+	+	+
Таъсис ҳужжатлари: устав, таъсис шартномаси	+/-	+	+	+/-
<i>Молиявий ҳисобот:</i>				
- «Бухгалтерия баланси» (1 шакл)	+/-	+	+	+/-
- Бухгалтерия балансига илова	+/-	+	+	+/-
- «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2шакл)	+/-	+	+	+/-
- «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (4 шакл)	+/-	+	+	+/-
- «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» (5 шакл)	+/-	+	+	+/-
- Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар	+/-	+	+	+/-
Аудиторлик ташкилоти маълумотлари	+/-	+	+	+/-
Баҳоловчи фирма маълумотлари	+/-	+	+	+/-
Рейтинг (ахборот) агентликлари маълумотлари	+/-	+/-	+	-
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари	+/-	+/-	+	-
Тармоққа оид статистик тўпламлар ва бошқа маълумотлар	+/-	+/-	+	-
Интернетдан олинган маълумотлар	+/-	+/-	+	+
Прогноз қилинаётган молиявий маълумотлар, шу	+/-	+/-	+/-	-

⁹Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

жумладан бизнес-режалар ва бюджетлар				
--------------------------------------	--	--	--	--

Изоҳлар: «+» белги тўлиқ ҳажмда (катта даражада) мавжуд бўлганда;

«-» белги тўлиқ ҳажмда (катта даражада) мавжуд эмас;

«+ /-» белгининг мавжудлик даражасини бир хил маънода талқин қилиш

иложи йўқ;

* ижобий аудиторлик хулосаси мавжуд бўлганда;

** аудиторлик ташкилоти ёки баҳоловчи фирма ходимларининг малакаси, мустақиллиги ва объективлигига шубҳа бўлмаслиги керак.

Шу сабабли, кредит шартномаларини расмийлаштириш, кредит қобилятини таҳлил қилишда ишлатиладиган молиявий ва номолиявий ахборот манбалари шакллантирилган. Кредит олувчининг кредит қобилятини текшириш жараёнида нафақат корхонанинг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларидан фойдаланиш, бундан ташқари, номолиявий маълумотлардан фойдаланиш таклифи берилган (3- жадвалга қаранг).

3-жадвал

Кредит қобилятини баҳолашда фойдаланиладиган қўшимча (номолиявий) ахборотлар манбалари¹⁰

№	Маълумот манбалари	Тавсифи
1.	Бизнес – режа: - маҳсулот ёки хизматлар тарифи; - тармоқ ва бозор прогнози; - маркетинг режаси; - ишлаб чиқариш режаси; - менежмент режаси; - молиявий режа; - бошқа норматив ҳисоб - китоблар	Бизнеснинг истиқболлини, молиявий барқарор ривожланиши, менежментнинг компетентлиги кабиларни ўрганиш учун
2.	Кредит таъминотига доир ахборотлар манбалари: - гаров шартномаси; - гаровларни рўйхатга олиш дафтари; - кафилик шартномаси; - гаров таъминотини баҳолаш далолатномаси; - гаров мулкни суғурталаш полиси; - маркетинг ва бошқа агентликларнинг маълумотлари - ички ишлар идораси, ер кадастри, мулкни бошқариш бўлимида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотнома	Гаров таъминотининг мавжудлиги, ҳуқуқий таъминланганлиги, гаров мулкнинг ликвидлигини ва кредит таъминоти билан боғлиқ бошқа масалаларни ўрганиш учун
3.	Кредит бюроларидан олинadиган маълумотлар	Кредитларни қайтариш эҳтимолини ўрганиш
4.	Ички бошқарув ҳисоботлари маълумотлари	Ишлаб чиқаришнинг ҳолатини ўрганиш
5.	Солиқ ҳисоботлари маълумотлари	Солиқ билан боғлиқ мажбуриятлар ҳолати
6.	Интернет тармоғидан олинadиган ахборотлар	Қўшимча ахборот

Кредит олувчи корхонанинг молиявий аҳолини синтезланган кўрсаткич-рейтинг асосида ҳар бир коэффициент учун бериладиган балл

¹⁰Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

билан тавсифлашни, балларга мувофиқ корхонага синфлар бериш таклифи берилган(4- жадвалга қаранг).

4-жадвал

Корхонанинг кредит қобилияти гуруҳларининг туркумланиши

Синф	Кредит қобилияти	Изоҳлари	Жами балл
I	“Аъло”	Корхона хўжалиги юқори кредит қобилиятига, бенуксон кредит тарихига эга, банкнинг барча талабларини қониқтиради; барча мажбуриятларни бажариши шубҳа туғдирмайди	80-100
II	“Яхши ”	Кредит мажбуриятларини бажаришда баъзи қийинчиликларга учраши мумкин, ижобий кредит тарихига эга ёки илгари корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар билан аҳамиятсиз қоида бузилишларига йўл қўйган	60-80
